

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**82** «Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2136-1*

*(2011 йил 5 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 178-сон «Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 276-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қиладилар:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 20 августдаги 67, 329-сонли қарори билан тасдиқланган «Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 2136, 2010 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 34-сон, 296-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирази.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2011 йил 15 февраль,  
11-сон

**Р. АЗИМОВ****Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2011 йил 15 февраль,  
56-сон

**Б. ХОДИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг 2011 йил  
15 февралдаги 11, 56-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб  
бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг  
харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш  
тартиби тўғрисида»ги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 3-1 банд билан тўлдирилсин:

«3-1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили келгуси молия йили учун бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган республика олий таълим муассасаларининг гуруҳлари бўйича бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини тасдиқлайдилар.».

2. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. ОТМнинг харажатлар сметасини тузиш Ўзбекистон Республикаси

Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами № 2157, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 440-модда) асосан амалга оширилади.».

3. 10-банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«стипендия харажатлари стипендиялар миқдорлари ва амалдаги стипендия билан таъминлаш тартибига мувофиқ ҳисобланади;».